



Табият ва инсон, жамият ҳаётининг бурилиш нукталари, сарҳисоб паддалари бўлади. Утган умрга яқун ясаб, келажак сари тайёрланиш режалари тузилади. Инсоният XX асрни яқунлаб, XXI асрнинг нури уфқлари сари қадам ташламоқда.

Халқимиз жамиятда содир бўлаётган ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар ва маънавий юксалиш инсониятнинг азалий муаммоси бўлиб, ахлоқий баркамоллик, давримизнинг энг долзарб масалалари қаторига кирипти.

Чунки муайян жамиятда яшовчи ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўша жамиятнинг ижтимоий-тарихий шароитлари асосида мазмунан кенгайиб, бойиб боради. Асримизнинг тўқсон биринчи йили, 31 август

мустақамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозлари ва кўникмалари даражасига чиқаришга даъват этди. Таъкидлаб ўтганимиздек, ҳамма соҳаларда фаннинг ўрни ва мавқеи тобора ортиб бормоқда. Зеро бунингсиз ижтимоий тараққиёт тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Эндилда фан ва техника тараққиёти учун зарур моддий ва маънавий муҳит яратган давлатнинг келажакги буюк бўлиши ва шундай жамиятдаги кишилар учун қўлай турмуш

Миллий дастур

АВЛОДЛАР КАМОПОТИ ЙЎЛИДА

дан шу бугунга қадар етмиш икки ойда амалга оширган ишларичи! Энг аввало ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олди. Тошкент аэропортидан ман-ман деган мамлакат раҳбарларининг қадами узилмай қолди. Самолётларимиз ер юзи бўйлаб уча бошлади. Ўзбекистоннинг ўз автомобили пайдо бўлди. Қоровулбозорда ҳамкорликда қурилган нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга тушди. Корхоналаримиз, заводларимиз, хўжаликларимиз олий ўқув юрти олимлари, талаба ёшлари, ўқувчилар дунё бўйлаб ҳамкорликда бирлиқда ҳаёт карвони билан йўлга чиқдилар. Демак, қувватимиз, ақл-заковатимиз, билимимиз бор эканки, бундай улғу ишларга бел боғладик.

Хозирги давр фани ютуқларини, биз ривожланган мамлакат олимларининг янги-янги фан ютуқларидан илгарилар кетганимизни таъкидлашимиз лозим. Кибернетика, геодезия, геология, кимё, физика, математика, шарқшунослик соҳаларининг ёш олимлари чет элларда ўз маърузалари билан олимларни лол қолдирмоқдалар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислохотлар республика таълим тизими олдида ҳам улкан вазифалар қўяди ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этади. Чунки Миллий дастур орқали янги-янги йўналишлар ҳаётга татбиқ қилиниши лозим. Хусусан, таълим тизимининг хозирги замон талаблари даражасига кўтариш, соғлом, маънавий бой, ахлоқий пок қомил инсонни тарбиялаш, таълимнинг узлуksиз ва изчил тизимини яратиш давлат аҳамиятига молик вазифа бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил август ойида бўлиб ўтган IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» қонун, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» бошидан охиригача инсонларварлиқни қарор топтириш руҳи билан суғорилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқида буюк маънавиятимизни шакллантириш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини

шароити вужудга келиши мумкин.

Иқтисодий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислохотлар эртанги жамият, келажак авлодининг ижтимоий таълим-тарбия янги тизимини инсонпарварлик йўналишида шакллантириш шайиоли шу жиҳатдан муҳимдир.

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам мутафаккир хурфиқриликнинг буюк даҳоси сифатида тан олинган шайх Умар Хайём айтган эдиларки, «Инсон дунёнинг тилиги, самари, ақл кўзининг гавҳаридир». Демак, инсон, унинг қомолоти, эркинлиги бутун таълим-тарбия тизимининг марказида турмоғи лозим.

Инсон учун олий қадрият олий мақсад бўлиб қолиши, бунинг учун эса аввало ёшларнинг, уларга таълим-тарбия бераётган барча кишиларнинг ҳазратли Алишер Навоий айтганидек: «Ўзи поку, сўзи поку, дили пок» бўлмоғи лозим. Ўшбу Миллий дастурнинг мақсад ва йўналиши ҳам шу сўзларнинг инноватидир.

Ўзбекистон жаҳонга юз тутди, энди миллий кадрлар жаҳон халқлари олимлари, иқтисодчилари ва бошқа замонавий фан вакиллари билан мулоқотда бўлиб келмоқдалар. Чет эллардаги вакиллар Ўзбекистоннинг билимдон миллий кадрларининг банк соҳасида, қурилишда, техник жиҳозларни эгаллашдан хурсандлар. Бинобарин энди қадрлар жаҳон халқлари билан мулоқотда бўлмоқдалар. Япония, Америка, Италия, Франция, Малайзия, Германия, Буюк Британия, Швейцария каби ривожланган мамлакат олимларидан сабоқ олиб, уларнинг хурматига сазовор бўлиб дунё миқёсига молик бўладиган дипломлар билан юртимизга келмоқдалар. Бу миллий кадрларнинг юмушлари давлатимизнинг келажак учун бир пойдевордир, деб биламиз. Биз муборакбилар «Таълим тўғрисида» қонун, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда ўз мужассамини топган назарий ва амалий қоидалар таълим соҳасида ишлайётган барча кишилар учун дастурлашма бўлиши керак.

Азизахон ЗАЙНУДДИНОВА,
Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг профессори.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимизда замонавий автомобилсозлик саноатини рағбатлантириш чора-тадбирлари қўйла бошланди. Натижада бугунги кунда Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда қудратли «Асака-ДЭУ» автомобиль заводи вужудга келди. Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарётган йигирма саккиз давлат қаторидан ўрин олди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобиллари мамлакатимиз номини бутун дунёга танитди. Сўхбатдошимиз, профессор Худойберган Маматов ҳам умрини автомобиль назариясига бағишлаган ўзбек олимларидан бири. У кўп йиллар давомида Тошкент автомобиль йўллари институтида самарали меҳнат қилди...

— Худойберган ака, автомобилчи бўлиш орзуси сизда қандай туғилган?

— Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ кўпроқ спорт билан шуғулланишни ҳавас қилардим. Кейинчалик бокс тўғрисида қатъий бошладим. Мураббийимиз — америкалик Сидней Жексон собиқ ўқувчилар саройида спортнинг шу туридан сабоқ беради. Ўзининг синфни битирганимдан сўнг, фармацевтика институтига ўқишга киришмоқчи бўлдим. Шунда Сидней Льюис мени тўхтади: «Менга қара, сенга ўхшаган йигитлар муҳандис бўлиши керак», деб қолди. Шу сабаб бўлдимки, мен пировардида автомобиль муҳандиси бўлдим.

— Сизни бокс ишқибозига ҳам дейишади...

— Тўғри. Боя айтдим-ку, ёшлик пайтимдан бошлаб, яъни бешинчи синфдан тортиб, то институтининг иккинчи курсига қадар муборакбиларимиз Жексон раҳбарлигида бокс билан астойдил шуғулланганман. Ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақаларида иштирок этиб, чемпион ҳам бўлганман. Республика-мизнинг ўша вақтдаги кўзга кўринган боксчиларидан Гранаткин, Ортенбурглар билан бирга мусобақаларда қатнашганман.

— Нобель мукофоти соҳибчи Ландау билан бўлган урғунлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳа, бу жуда қизик бўлган. Гап шундаки, мен автомобиль соҳасида илмий изланишлар олиб бо-

«МЕРСЕДЕС»ГА КЎЛПАНМАЛАР ЯРАТЯПМАН



ришим учун Харьков автомобиль ва йўллар институтига бордим. Мен шуғулланётган мавзунинг тасдиқлаб бериш у ердигиларнинг қўлидан келмади. Шунда, у ерда ишлайётган Нобель мукофотининг соҳибчи Лев Давидович Ландауға мурожаат қилишимга тўғри келди. Ландау мавзунини изотоп йўли билан ёритиш масалаларида менга яқиндан ёрдам берди.

— Автомобиль назарияси бўйича кўплай китобларнинг ўзимизда ва хорижда чоп этилган. Шу ҳақда ҳам икки оғиз гапирсангиз.

— 1985 йилда, китобларим ўзбек тилида босилиб чиққач, айрим мансабдор шахслар «Нега ўзбек тилида ёздингиз, бундай китоб-

лар рус тилида ёзилиши керак-ку» дейишди. 1992 йилда ана шундай китобим рус тилида чоп этилди, шу билан бирга Кубада испан тилида ҳам босилди.

— Юртимиз автомобилсозлигининг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?

— Бугунги кунимиз истиқболини кўриб турибсиз. Агар Россия ГАЗ автомобиллари ишлаб чиқаришга бир неча ўн йиллар сарфлаган бўлса, биз қисқа фурсат — беш йил ичида ўз автомобилсозлигимизни йўлга қўйдик. «Асака-ДЭУ» автозаводида йилига 200 мингта «Дамас», «Нексия», «Тико» автомобиллари ишлаб чиқарилади. Буни бутун дунё миқёсидан ютуқ деб атасак, муболаға бўлмайди. Мана, бугунги кунда ўзимизнинг қўлай, қўрақам ва илҳам автомобилларимизга эгамиз. Мен истардимки, яқин келажакда «Халқ автомобиллари» ҳам ишлаб чиқарилса. Бу машиналар, дейлик, 10 литр ўрнига 2-3 литр сарфлаб, 7 литр ёлғини тежаб қолади. Ана шу тежалган 7 литр бензинни хорижа валютасига сотасан бўлади.

— Ҳозирги кунда қандай илмий-иқтисодий ишлар билан машғулсиз?

— Мустақилликка эришгач, юртимизга «ДЭУ» автобуслари кириб келди. Кейинчалик мен шуни ишга бердимки, биз албатта Германиянинг «Мерседес» машиналарини ҳам олишимиз керак. Фарона кўчаларида ана шу машиналар илк бор юра бошлаган пайтларда, «Мерседес» келибди», дея кишиларнинг қувонганликларининг гувоҳи бўлганман. Бу машиналарнинг ҳар жиҳатдан қўлайлиги хусусида кўп гапириб бўлмайди. Ҳозир, ўзининг биласиз юртимизда хориж машиналари тобора кўпайиб борапти. Бироқ улар тўғрисида, афсуски, дарсликлар, ўқув материаллари деярли йўқ ҳисоби, айниқса, «Мерседес» машинаси бўйича. Ҳозир мен Германиянинг ана шу «Мерседес» машиналари бўйича ўқув қўлланмалари яратиш устида иш олиб бораёпман.

Мирзаали АКБАРОВ
сўхбатлашди.



Чиройлими?

Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.

Ишдан чарчаб чиқасиз. Сиз оёқларингизга, оёқларингиз сизга бўйсунгани келмайди. Кичкина, аммо ичига дунё ташвишларини беркитган сумкангизни кўтаргани ҳам мадор йўқ. Ҳаёл суришга-да, одамлар билан гаплашишга-да ҳеч эҳтиёж сезилмайди. Ана шундай толиққан пайтларингизда сиз метро ёки трамвайга ўтириб эмас, «Амир Темур хибони —

Чол-кампирилар бекатда тушиб қолгач, шофёр ака хангомани бошлаб юборадилар: кеча гўёки бир отахон каттакон қўйи билан автобусга чиққанмиш. Тушиб кетаётганида «Қўйинг ҳақини ким тўлайди ота, десам, мана буни-си меники, мана буниси қўйимнинг чиптаси бўлади», деб иккита чиптани кўрсатса бўлади.

Йигитлар эндигина яйрашиб орқада ўтирган талаба қизларга гап отмоқчи ҳам бўлишувди микрофондан: «Тайёрланинг, хозирги бекат йигитлар бекати. Марҳамат, барча бўйи етган ва етмаган йигитлар тушиб қолишлари мумкин» деган овоз янграб кетди. Бу овоздан қўчиб кетган бир йигитча: «Ҳо, оқахон, қанақа одамсиз ўзи? Олдинги бекатда чол-кампириларни туширвордингиз, индамадик. Энди бизни туширвормоқчимисиз? Қизларнинг бекати қаерда бўлса биз ҳам ўша ерда тушамиз» деб қолди.

Йигитнинг бу гапи автобусга ёқмади, турган жойида тўхтади-қолди. У ёғини кўришди йўқ, бу ёғини кўришди — йўқ, бўлмади. Ҳеч кимнинг автобусдан тушиб кетгани йўқ. Шу пайт бизга шофёр акамиз қўшиқ бошлавордилар:

Дарё тошқин суварлар тўлқин,
ўтолмайман ёр-ёр.

Отиш ориқ манзилимга,
етолмайман ёр-ёр.

— Эй укахон, шу гапинг автобусга ёқмади. Нима қилардинг гап қайтариб. Туш деганда тушиб қолавермайсанми?

Ахир қизларнинг бекати йўқ бўлса нима қилай...

Ноилж қолган йигитлар автобусдан тушиб қолдимики, у елдай учиб манзил томон шошиб кетди...

Нигора ЙЎЛДОШЕВА.

МАНЗИЛИМГА ЕТИБ ОЛДИМ ЁР-ЁР...

Сувчи даҳаси» бўйлаб қатновчи автобусга чиқинг.

Қизик, одамзод ҳали бугунги кунни тугамасдан туриб эртасининг режасини тузади. Ушбу автобуснинг қуш каби тезувар ҳайдовчиси Бахтиёр Қурбонов бизни ҳаёл суришга қўймайди. Билмадим, автобусни тез ва соз ҳайдаганликларини учунми ҳаммаша манзилга муҳайида этиб борасиз.

Ҳаёлингизни Бахтиёр аканинг ҳазил оҳангидан овозларини бузиб юборади. Қизик, бошқа автобусларда жой талашиб, жанжаллашиб кетадиган одамлар ҳам бу автобусга чиққанидан хурсанд. Ҳар замон қизларнинг пиқ-пиқ қилиб қўйиб қўйгани эшитилди, холос.

Кўп ўтмасдан микрофонда яна ўша таниш овоз янгради: «Хурматли йўлчилар, тайёрланинглар, биринчи бекат-чол-кампирилар бекати. Марҳамат, йўл ҳақини тўлаб қўйган чол-кампирилар тушиб қолишлари мумкин».

— Ййи, отахон, бу пулингиз бир сўм холоску. Майли, майли, биз розимиз ота, тушавиринг.

Назорат инспекциясида

КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ

Президентининг 1994 йил 14 июлдаги 916-сонли «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли қарори бажарилиши ўрганилганда баъзи дорихоналарда мазкур Фармон ва қарорларнинг тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Феруза сиймоси», «Парранда таом» ва «Шифоберсин» хусусий дорихоналарида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва Молия вазирлигининг 1997 йил 4 февралдаги 025-рақамли дори-дармонлар ва тиббий буюмларнинг чекланган ча-

кана нархлари нархномасига амал қилмаслик, унга эътиборсизлик билан қараш ҳоллари ҳамда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинмаган ва «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмасининг ҳудудий назорат-таҳлилий хизматларида сифати назоратдан ўтмаган тақилганган фармацевтик препаратларнинг мазкур дорихоналарда савдога қўйилганлиги аниқланди. Санитария-эпидемиология станцияси ходимлари томонидан бракерж ўтказилиб, захарли ва наркотик препаратларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган ва дориномасиз сотилиши мумкин бўлмаган дорилар юқорида номлари қайд этилган дорихона пештахта-

сидан олиб ташланди.

Йигилишда туман ҳудудидаги дорихоналарда тегишли директив ҳужжатларнинг тўлиқ бажарилиши ҳамда аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш янада яхшилаш чораларини кўриш мақсадида ўтказилган текширув натижалари юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Тошкент шаҳар «Дори-дармон» ҳиссасдорлик уюшмаси раиси А. Орипонов, туман прокурорининг ўринбосари Ж. Исроилов, туман санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Р. Мавлонов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Текширув давомида аниқланган хато-камчиликлар бўйича тегишли ҳужжатлар Тошкент шаҳар «Дори-дармон» ҳиссасдорлик уюшмаси ҳамда туман прокуратурасига юборилди.

Маъмура РЎЗИЕВА.

Шайхонтохур тумани ҳокимлигида туман назорат инспекциясининг туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихоналарда директив ҳужжатларни бажариш бўйича текширув натижаларига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни туман ҳокимининг ўринбосари — назорат инспекциясининг раҳбари Равшан Умаров олиб борди.

Йиғилишда шу нарса таъкидландики, туман ҳудудидаги дорихоналар томонидан директив ҳужжатларни бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бир қаторда айрим хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги текширув давомида маълум бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Хонадонингизга телефон туширишни хоҳлайсизми?.. Бўлмаса шошилинг. Қисқа муддатда телефонли бўлиб қоласиз...

Юнусовд телефон автомат станцияси ходимларининг бу олийҳиммати Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номи маҳалла аҳолисини шошириб қўйди. Гап шундаки, ўшанда, яъни ўтган йилнинг ноябрь ойида туман ҳудудида янги 25-телефон автомат станциясининг ишга туширилиши муносабати билан 24-телефон автомат станциясидаги бир қатор номерлар бўшаб қолган эди.

Хизмат ҳақи 10 минг сўм туради. Шу арзимас пулни тўласангиз бас. Қарабсизки, 5 ой ўтар-ўтмай хонадонингизда телефон жиринглаб турибди, — деб ваъда беришди станция бошликлар.

Бу гапни шундоқина маҳалла ҳудудида жойлашган Тошкент иختисослашган телефон алоқалари қурилиш бошқармаси бошлиғи Рустам Қодиров ҳам тасдиқла-

ди ва белгиланган муддатга телефон кабелларини ўтказиб беришга ваъда берди. Югур-югур бошланиб кетди. Маҳалла фаоллари — Аҳам Мухамедов, Гофур Қурбанов, Анвар Ҳожимуродов,

«абонент»ларидан турли даққиларни эшитавериб тоқати тоқ бўлган маҳалла фаоллари дастлаб Рустам Қодиров билан юзма-юз бўлишди.

— Хабарим бор, — дея сўз

Ажаб савдолар

ЁЛҒОН ВАЪДАЛАР

Муаттар Қодирхўжаевалар хонадонма-хонадон юриб пул йиғишга тушишди. Жами 50 хонадондан 10 минг сўмдан йиғилиб, ўтган йилнинг 19 ноябрида 25-телефон автомат станцияси ҳисобига ўтказилди.

Орадан белгиланган муддат ўтди. Маҳалла аҳли қараса ҳали-вери хонадонда телефон жирингламайдиган қўринади. Чунки Рустам Қодиров бош бўлган идора ҳали ишга киришмаган. Яқин орада кабел ўтказиш юмушлари бошланганда кўринмайди.

бошлади бошиқ уларга, — кабел бўлмай ишимиз бироз орқага сурилди. Бугун эрта ишга киришамиз.

Орадан ой ўтиб ваъдадан дарак бўлмагач маҳалла оқсоқоли Қобил Зокиров яна юқоридаги бошқарма бошлиғига ваъдани эслатди.

Бу гал ҳам ширин ваъда олиб оқсоқол бошқарма бошлиғи ҳузуридан чиқиб кетди. Лекин ижродан дарак йўқ эди. Бора-бора ширин гап аччиқ ҳақиқатга айланди.

— Яқин орада буюртмаларингизни баҳоролмаймиз. Пулимиз йўқ. Қаерга шикоят

қилсаларингиз шикоят қилаверинглар, — деди терслик билан Рустам Қодиров...

Юнусовд телефон автомат станциясидагилардан ҳам шу хилда жавоб олинди.

Маҳаллада эса ҳар кун телефон жанжали. Қуюқ ваъдага ишониб 10 минг сўмни кўртдек санаб берган маҳалла аҳлининг эса боши гаранг.

— Бўлмаса пулимизни қайтариб беринглар, — дегувчиларга эса фаоллар нима дейишни ҳам билишмайди. Чунки тўплаган пул аллақачонлардан бери «ишбилармонлар» ҳисобига ишлаб ётибди.

«Нима қилиш керак?» Шу саволга жавоб топиш мақсадида маҳалла аҳли ушбу шикоятни тўғри «Тошкент окшоми» газетасига йўллади.

Шикоятни оққа кўчирувчи

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Жами 50 имзо.

Ғазалхонлик

АСРАҲИН

Ераб, эсган эл томон боди қазодин асрагин,
Банда бошига тушар ногоҳ балодин асрагин.
Тақодир азал не битмиш ўзга ҳарф битмак гуноҳ,
Бепасанд, шаке келтирувчи беҳаддин асрагин.
Ҳар ғиёҳу маъжудот қўрсин умрлар беаваз,
Навнхолоу сароқадларин асодин асрагин.
Пир комиллик насиб этсин мудом ҳар бандога,
Хонаободлик ато эт, ғам-азодин асрагин.
Уйламак босган қадимлар сарҳисоби бор аниқ,
Бор гуноҳу айбларим чун ҳақ-жазодин асрагин.
Бу адам саҳросидин манзил сари қарвон ўтар,
Кўп қатори қўлла мен қўлни хатодин асрагин.
Еру осмонда шафақ нури ила ёрит дилм,
Ою юлдузсиз қоронгу ул фазодин асрагин.
Дину миллат, эътиқод бозорида гар сотса ким,
Дер Забихилло: «Бу янглиғ баднамодин асрагин».

ИЮНЯН БЎЛМАСА

Эврулмагай чарх-фалак Ҳақдин ишорат бўлмаса,
Равзаи фирдавс юз очмас гар июнат бўлмаса.
Етмагай мақсудига кимса жаҳонда беғумон,
Қилмишдан минг нушаймону ҳижолат бўлмаса.
Соф ният бирла эканган навнхол бермас самар —
Сиддиқила, тоқат билан сабру қаноат бўлмаса.
Гар тариқат йўлига қўйдинг қадам ораста бўл,
Йўқ нажот сарғаштиликдан бил, нафосат бўлмаса.
Кирмагил меҳробаро сен бош қўйиб сажжодага,
Чин юракдан айлаган тоат-ибодат бўлмаса.
Базмро эй дил қуши, қўй, сайрама дилхун бўлиб,
Ҳақ юборган иқтидору чўнг маҳорат бўлмаса.

ЧЕКМА ИЗЯИРОБ

Кел, адаб сарчашмасидан ичгали айла шитоб,
Ҳоқшамига йўқ нажот деб чекма асло изтироб.
Ғам юки остида қолсанг нуғумид бўлма, ваге —
Бир кун бошинга нур сочгай ул шамси—оғтоб.
Бу ҳаёт остонасига қўй қадам шодон бўлиб,
Сен ҳақиқат мулкида юр пок ният-да бениқоб.
Ҳақ йўлидан ўзга йўл поёнидан қони зарар,
Кажрафтор эрса оёғинг охири ҳолинг хароб.
Олтину зар бирла асло беама кўнглинг уйин,
Соф амаллар айла ўзга барчаси эрур сароб.
Эй навоес, қўйла дилдан эзгу ишлар қажматини,
Ким фикр қилса топар албатта у қони савоб.

Забихилло НУРУЛЛО.

Юртимизда рўй бераётган ислохотлар соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Ушбу ўзгаришлар ҳусусида сўзлаб бериш учун Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Малика Зияева билан суҳбатлашдик.

— Малика Абдуллаева, маълумки, инсоннинг турт мучаси соғ бўлгандагина у ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси ҳисоблайди. Шундай экан, соғлиқни сақлаш тизимини бугунги кун талабига кўра ислох қилишда асосий эътибор нималарга қаратилади?

— Барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш тубдан ўзгаришларни талаб қилади. 46 та поликлиникада ҳам 1052 ўринли кундузги шифохоналар очилди. Бундан ташқари касалхоналарда 3376 ўрин қисқартирилиши ҳисобига бу масканларда ҳам 1475 ўринли кундузги шифохоналар иш бошлади.


Маълумки, болалар жароҳлигининг туғилган жойи нафақат республикамиз бўйича, балки Марказий Осиё бўйича ҳам пойтахтимиз Тошкент ҳисобланади. Шундай бўлсада, ҳанузгача шаҳримизда болалар жароҳлиги маркази йўқ эди. Айни пайтда шундай хизматга талаб ошиб бораётганини ҳисобга олиб, 14-болалар касалхонаси қошида шаҳар болалар жароҳлиги маркази очилди. Шунга қўшимча равишда 1-шаҳар клиник касалхонада куйиш, пульмонология, болалар кардио-ревматология марказлари, Собир Раҳимов туманида нефрология марказлари ҳам ишга тушди.

— Маълумки, бугунги кунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг алоҳида йўналишларидан бирига айланган...

— Албатта шундай. Бу борада Акмал Икромов туманидаги 7-шаҳар касалхонасини...

21 июнь — Тиббиёт ходимлари кунин

АСОСИЙ МАҚСАД — МАПАКАЛИ ХИЗМАТ



— Албатта шундай. Бу борада Акмал Икромов туманидаги 7-шаҳар касалхонасини...

— Албатта шундай. Бу борада Акмал Икромов туманидаги 7-шаҳар касалхонасини...

нг 481 ўринли «Она ва бола» минтақаларо марказига айлантирилган бўлиши, улар қўллаётган асбоб-ускуналар ҳам замон талабига жавоб бериши лозим. Ушбу масалалар бўйича салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, ўтган уч йил мобайнида мингдан ортиқ шифокор, икки ярим минг ўрта тиббиёт ходими аттестациядан ўтказилди, 2 минг олти юз шифокор ва 4 минг икки юз ҳамшира малака ошириш курсларини ўтади. Даволаш-профилактик муассасаларга 40 дан ортиқ фан доктори ва фан номзоди жалб этилди.

Тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашда асосий эътибор поликлиникалар ва туғруқхоналарга берилди. Ушбу мақсадлар учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 770 минг АҚШ доллари ва 50 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, сўнгги пайтларда 157 дориҳона, 29 даволаш муассасаси хусусийлаштирилди. Ўтган йилнинг ўзига ҳужалик ҳисобидagi тиббиёт муассасаларидан соғлиқни сақлаш тизимига 127 миллион сўм ўтказилди. Бош бошқармаимизнинг барча бўлимлари тўлалигича компьютерлаштирилди. Олдинда қилинадиган ишларимиз ҳали бисёр. Уларнинг барчаси пойтахтимиз аҳолисига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ суҳбатлашди.



Биласизми?

САРИЁГ ПАЙДО БЎЛГАНГА ҚАДАР

Ўсимлик ёғи — жуда қадимий. Юнонлар зайтун дарахти мевасидан ёғ олишган. Лекин сариёғ ҳам анча қадимий экан. Тўғри, дастлаб сариёғ дори-дармон, пардоз ашёси ҳисобланган ёки худоларга ҳада — тортиқ сифатида ишлатилган. Уни турли усулда тайёрлашган. Дейлик, сутни тери қопга солиб обдон қувлашган. Баъзан қолни қувини кўр қўллар бажарган, негаки сариёғга тез кўз тегади деб ҳисоблашган. Европада сариёғни истемол қилиш XII-асрдан русм бўлган.

СУНЬИЙ МАТО ИХТИРОСИГАЧА

Пахта толаси буткул, дарахт танасининг эса ярми целлюлозадан ташкил топади. Ёғоч ип йиғирилишига эса ўргимчак ва ипак курти ёрдам бери, яъни улар ажратиб чиқарадиган модда ҳавода қотиб ипга айланади. Худди шу йўсинга амал қилиб целлюлоза эритилиб, ўта майда тешикчалардан қисиб чиқарилади ва ажойиб ип ҳосил бўлади. Бундай ипларни ўтган асрда сунъий ип деб аташган. Асримизнинг 20-йилларида сунъий жун ҳосил қилинди. Ҳозир кўй жунидан кўра сунъий жун кўпроқ тайёрланади. Бугунги кунда махсус тайёрланадиган моддadan табиатда учрамайдиган сунъий тола, масалан, нейлон ишлаб чиқарилмоқда.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

МУАЛЛИМЛАР УСТОЗИ

Маълумки, шу кунларда бугун ҳаётини маънавиятга бахшида этган, Мехнат Қасрида Оқилхон Шарофиддинов таваллуд топган кунининг 100 йиллиги муносабати билан республикамизнинг кўпгина илм масканларида устоз хотирасига бағишлаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Устознинг дастлабки фаолияти Тошкент вилоятининг Тўйтепа туманидаги 10-ўрта мактабда, пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 129-ўрта мактабда, хатто Фарғона, Самарқанддаги бир неча мактабларда ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Оқилхон Шарофиддинов 60 йил 1-синфларга дарс бериш билан бирга биринчи марта «Алифбе» китобини ишлаб чиққан фидойи инсондир. Устоз яратган «Алифбе» 30 мартаба қайта нашр қилиниб, миллионлаб ёшларнинг саводхон бўлишига хизмат қилди.

Яқинда Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг мажлислар залида устоз таваллуд топган кунга бағишлаб илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманга бир гуруҳ олимлар, республика билим маркази ходимлари ва фахрий педагоглар, шунингдек пойтахт мактабларининг биринчи синфларида дарс бераётган илгор муаллимлар тақдир этилди. Анжуманни институт директори, тарих фанлари доктори Исом Турсунов олиб бори.



Оқилхон Шарофиддинов республикамизда энг кўп шоғир тайёрлаган муаллимларнинг сарқоридир. — деди директор, — шунингдек, қийинчилик даврига қарамай дастлаб мактабга қадам қўйган бо-

ижодий иш олиб боришлари у кишидан қобилият, кўнгил билан ишлашни тақозо этарди. Бунинг учун устоз кўп йил ишлаганлар олиб бориб ижод қилдилар. Ниҳоят, қилган ишлари яхши натижа бериб, «Алифбе» лари

яқинда 129-ўрта мактабимизга Оқилхон Шарофиддиновнинг номи берилиши барча муаллимларни хурсанд қилди. Чунки мактабимизда болаларга таълим ва тарбия бераётган муаллимларнинг 20 дан ор-

лаларга «Алифбе» китобини биринчи бўлиб яратган устозлардан биридир. Албатта ҳеч қандай қўлланма бўлмаган бир вақтда бундай дарсликни яратиш оғир эди. Аммо у бунинг учун 20 йил тайёргарлик ишларини олиб бориб. Дастлаб 1929 йилда «Билим ва меҳнат», 1930 йилда «Меҳнат болалари», «Чиройли ёзув» ва «Ўқиш китоби» каби китобчаларни тайёрлагач, 1938 йилда «Алифбе» китобини яратди. 1938-39 ўқув йилидан бошлаб ҳақиқий дарслик каторида нашр этила бошлади. Бу китобнинг 50 йилдан ортиқ вақт ичида мактабларда қўлланиб келиниши Оқилхон отанинг бу китобга меҳр қўшиб ишлаганидан дарак беради. Шу туфайли ҳозирги кунда нашр қилинаётган янги «Алифбе»-да ҳам устознинг номи яқинда турибди.

Оқилхон Шарофиддиновнинг педагогик маҳорати ҳақида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетини профессори Карим Назаров сўзлади: — Дарҳақиқат очарчилик (30-йилларда) давом этиш турган бир даврда мактаб учун зарур дарсликларнинг яратилиши осон эмас эди. Бунинг устига янги лотин алифбосида китоб яратиш зарур эди. Аммо шунга қарамай, Оқилхон аканинг шундай шайошда ҳам дарс бериб, ҳам китоб устида

Хамидулла Йўлдошев, фахрий педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

1-Тошкент Давлат тиббиёт институтини 1998 йил 26 июнь кунини соат 10.00 да ректоратнинг биринчи залида абитуриентлар учун очик эшиклар кунини ўткази.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини 1998 йил 18 июнь соат 15.00 да очик эшиклар кунига тақдир эти. Манзилнинг: Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2. Шифокорлар шаҳарчаси. Бош ўқув биноси.

Юнусобод туман «Бободехқон» жамоа корхонаси ташкилотларга, корхоналарга, фирмаларга, Тошкент вилояти ҳужаликларига маълум қилади ва 1998 йил 1 августгача дебиторлик, кредиторлик қарзларини 1998 йил 20 июнь ҳолатига аниқ рақамлар учун ахднома тузишга чақиради. Манзилнинг: Тошкент — 700084, Фани Мавлонов кўчаси, 52-уй, 7-корпус. Тел: 34-02-56. Автобуслар: 91, 95, 67, 60, 93.

1998 йил 15 июнда «Отчопар буюм бозори» ОТХЖнинг акциядорлар Умумий бир йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Номли акциялар бўйича 1997 йилга дивидендлар 668 сўмни ташкил этди. Дивидендларнинг 1998 йил июлда тўланиши бошланади.

«Отчопар буюм бозори» Кузатув кенгаши

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар божхона бошқармаси янги ташкил этилган Ҳарбийлаштирилган божхона коллежига ўқишга юбориш учун конкурс асосида номзодлар танловини эълон қилади. **Конкурс асосида бўлиб ўтадиган танловга умум таълим мактаблари 1998 йил битирувчилари, тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ҳамда мажбурий ҳарбий хизматини ўтаган шахслар, 17 ёшдан 23 ёшгача ва 170 см. дан паст бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади. Конкурс асосида бўлиб ўтадиган танловга иштирок этишни хоҳловчилар Ўзбекистон Республикаси ДБҚнинг Тошкент шаҳар божхона бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.**

Манзилнинг: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Глинка кўчаси, 25-уй. Транспорт: автобуслар 38, 57, 67; троллейбус 16; трамвайлар 4, 7, 9, 26; маршрутдаги такси №16. Бекам: «Бобур беги».

Ўзбекистон Республикаси ДБҚнинг Тошкент шаҳар божхона бошқармаси

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Тошкент Давлат Миллий рақс ва Хореография Олий мактаби 1998—99 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича талабалар қабул қилади:

Кундузги бўлимга: — Хореография педагогикаси — ўқиш муддати — 4 йил — Режиссёр-балетмейстер — ўқиш муддати — 4 йил — Халқ хореография жамоалари раҳбари — ўқиш муддати — 4 йил 35 ёшгача бўлган шахслар қабул қилинади.

Сиртки бўлимга: — Хореография педагогикаси — ўқиш муддати — 4 йил Аризалар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Қабул вақти соат 9.00 дан 18.00 гача Маслаҳатлар ва ижодий имтиҳонлар 10 июлдан 25 июлгача. Тестлар — 1 августдан.

Қўшимча маълумотлар: 56-33-27, 56-24-36, 56-05-28 телефонлар орқали бериб борилади. Қабул комиссияси манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй, (Олдинги Педагогическая кўчаси).

«Эски Жўва бозори» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг божқаруви шунинг маълум қиладики, жамият ҳиссдорларининг наватбатдаги умумий йиллик йиғилишининг қарорига асосланган ҳолда жамиятнинг 1997 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича дивидендлар номинал қийматига нисбатан 2,8 фоиз тўланади. Жамият ҳиссдорлари 29 июндан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28.

● Омилкорлар учун иш. Тел: 97-46-40. ● 3-таксислар атрофида барча қўлайликларга эга бўлган 5 сотихли планли уй сотилади. Икхита оила учун ҳам мумкин. Тел: 92-40-20. ● Назарбекда (ҳаракат) 8 сотихли ер участкаси сотилади. Тел: 29-71-27. ● Мебеллар таъмирланади, йиғилади ва жипланади. Тел: 96-41-57; 98-04-01. ● Озиқ-овқат, соғломлаштириш мумкин. Тел: 125-81-11. ● Қўйилга 6 сотихли хона сотилади ёки қўйилга атрофида 2 хонали уйга алмаштирилади. Тел: 144-41-60. Хамид.

Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент шаҳар инновацион маркази ТУГАТИЛАДИ

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини ректорати, жамоа ташкилотлари, нормал, топографик анатомия ва оператив жаррохлик кафедраси ходимлари кафедраси доценти З. Ш. Солиқовга оғина

Лутфинисо ва Юлдашевнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини ректорати, жамоа ташкилотлари, нормал, топографик анатомия ва оператив жаррохлик кафедраси ходимлари кафедраси доценти М. Г. Тешабоевага оғина

Мухаррам ва МУҲАММЕДЖОНОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Давлат акционерлик «Ўзғойжамгар-мабани»нинг Собир Раҳимов бўлими жамоаси ва раҳбарияти «Ўзғойжамгар-мабани» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Музаб Баҳромович Шокармовага оғина

Раъно ва МИРЗОКИР кизининг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Давлат акционерлик «Ўзғойжамгар-мабани»нинг Юнусобод бўлими жамоаси ва раҳбарияти «Ўзғойжамгар-мабани» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Музаб Баҳромович Шокармовага оғина

Раъно ва МИРЗОКИР кизининг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекбирлаш» бошқаруви ва жамоаси республика матбуот кооперативси фахрийси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Баҳром Шокармо-вич Шокармовага раҳмлар

РАҲНОНИНГ бевакта вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Очик турдаги «Ўзбекфирма» акционерлик жамияти раҳбарияти кинотунининг режиссёр ёрдамчиси, актёр

Маҳмат Сидикович ХОЛМАТОВнинг бевакта вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оиласи, қариндошлари ва дўст-биродарларига таъзия изҳор қилади.

Очик турдаги «Ўзбекфирма» акционерлик жамияти раҳбарияти кинотунининг режиссёр ёрдамчиси, актёр

